

2020

The social-political situation in Central Asia on the eve of the advent of Islam

Ziyodilla Ziyatullayev

O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi, ziyatullayev90@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau>



Part of the [Classical Literature and Philology Commons](#), [Islamic Studies Commons](#), [Political Science Commons](#), [Religious Thought, Theology and Philosophy of Religion Commons](#), and the [Terrorism Studies Commons](#)

Recommended Citation

Ziyatullayev, Ziyodilla (2020) "The social-political situation in Central Asia on the eve of the advent of Islam," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 21.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss2/21>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Ziyodilla ZINATULLAYEV,

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,Lecturer of Department of Islamic History and Source
Studies IRCICA. zz@tarix.uz 11, A.Kadiri, Tashkent,
100011, Uzbekistan.

**ИСЛОМНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ
АРАФАСИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ**

**ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКАЯ
СИТУАЦИЯ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ
НАКАНУНЕ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ИСЛАМА**

**THE SOCIAL-POLITICAL SITUATION
IN CENTRAL ASIA BEFORE THE
EMERGENCE OF ISLAM**

Таянч сўзлар: Марказий Осиё, Аҳамонийлар, Юнон-македонлар, Буюк ипак йўли, Фарбий Турк хоқонлиги, ябгу, Эл Арслон, Абруй, Исфижоб, қадимги туркий битиклар.

Ключевые слова: Центральная Азия, Ахемениды, Греко-Македония, Великий Шелковый путь, Западно-Тюркский Каганат, ябгу, Эл Арслон, Абруй, Исфиджаб, древнетюркские тексты.

Key Words: Central Asia, Ahamonids, Greek-Macedonians, Great Silk Road, Western Turkic Khanate, El Arslan, Abruy, Isfijab, Turkish texts.

Марказий Осиё қадим даврлардан мўътадил иқлими, унумдор ерлари, серҳосил боғлари, ер ости маъданларга бойлиги билан кўплаб ҳукмдорлар, босқинчилар ва тарихнавислар эътиборида бўлиб келган. Дастлаб Аҳамонийлар, сўнг Юнон-македонлар босқинига учраган мазкур ҳудуд ўрта асрлар даврида ҳам сиёсий жараёнлар марказида бўлиб қолди. Буюк ипак йўлининг асосий йўналишлари Марказий Осиё орқали ўтганлиги ҳам ҳудуднинг стратегик аҳамиятини оширган. VII асрнинг иккинчи ярми–VIII асрнинг бошларида, яъни арабларнинг Марказий Осиёга кириб келиши арафасида мазкур минтақа Фарбий Турк хоқонлиги таркибида бўлган.

Хоқонликнинг ғарб томонга ҳарбий юришларига Истами хоқон (551–576) бошчилик қилган. У 563–567 йиллар оралигида Эфталийлар давлатига кетма-кет зарбалар бериб, Марказий Осиё ва Каспий денгизигача бўлган ҳудудларни эгаллади (Шамсутдинов Р., Мўминов Х., 2013:99). Бунинг оқибатида Эфталийлар давлати инқирозга юз тутди. Туркийлар Буюк Ипак йўлини ўз назоратлари

Мақолада илк ўрта асрлардаги Марказий Осиё минтақасининг стратегик аҳамияти, туркий халқларнинг босқини ва уни Турк хоқонлигига қўшиб олиниши жараёнлари кўриб чиқилган. Туркий қабиаларнинг ҳужумлари натижасида Марказий Осиёни қарийб бир аср бошқариб келган Эфталийлар давлати инкирозга юз тутди. Ўлкада кўчманчилик анъаналарига асосланган бошқарув тизими қарор топди: янги тартиб ва унвонлар жорий этилди.

Марказий Осиёдаги давлатлар Фарбий Турк хоқонлиги вассали бўлса-да, муайян даражада ички мустақилликка эга бўлган. Ўлкада марказлашган кучли ҳокимият мавжуд бўлмасдан, у бир неча “салтанатлар”дан ташкил топган конфедерация шаклида ривожланар эди.

Марказий Осиёдаги ярим мустақил давлатлар: Бухоро вилояти, Самарқанд ва унга қарашли бўлган Суғд вилояти, Ушрусана (Уструшона), Шош, Фарғона, Илоқ, Кеш, Насаф, Дабусия, Сағониён (Чағониён), Термиз, Куводиён, Ахсисак, Хуттал (Хутталон), Буттам ва Хоразм ноҳия(вилоят)ларининг ҳудуди, маъмурий-бошқарув тизими, ички сиёсати, иқтисоди ва хўжалиги ҳақидаги маълумотлар берилган.

Мақолада исломнинг Марказий Осиёга кириб келиши арафасидаги сиёсий-ижтимоий ҳолат ва маҳаллий бошқарув тизими бирламчи манбалар ва илмий адабиётлар асосида тадқиқ этилган.

В статье рассматриваются стратегическое значение Центральной Азии в средневековье, процессы вторжения тюркских племен и ее включение в Тюркский каганат. Империя Эфталитов, которая правила Центральной Азией в течение почти столетия, в результате нападения тюркских кланов рухнула. В стране была создана система управления, основанная на кочевых традициях: были введены новые порядки и должности.

Хотя государства Центральной Азии были вассалами Западно-тюркского каганата, они обладали определенной степенью внутренней независимости. Не имея централизованной власти в регионе они развивались в форме конфедерации ряда государств.

В статье предоставлена информация о территории, административной системе, внутренней политике, экономике и хозяйстве полунезависимых государств Центральной Азии: Бухарской области, Самарқанда и подчиненных ему Согдийской области, Ушрусаны (Уструшона), Шаша, Ферганы, Илака, Кеш, Насафа, Дабусии, Сагонияна (Чаганиян), Термеза, Куводияна, Ахсисака, Хуттала (Хутталон), Буттама и Хорезмской области.

В статье исследуются общественно-политическая ситуация и система местного управления в Центральной Азии накануне прихода ислама на основе первоисточников и научной литературы.

Abstract. The article discusses the strategic importance of Central Asia in the Middle Ages, the processes of the invasion of Turkic tribes, and its inclusion in the Turkic Kaganate. The Ephthalite Empire, which ruled Central Asia for almost a century, collapsed as a result of the attack of the Turkic clans. A management system based on nomadic traditions was created in the country: new orders and positions were introduced.

Although the states of Central Asia were vassals of the West Turkic Kaganate, they possessed a certain degree of internal independence. Without a centralized authority in the region, they developed in the form of a confederation of several states.

The article provides information on the territory, administrative system, domestic policy, economy and economy of the semi-independent states of Central Asia: Bukhara region, Samarkand and its subordinates of the Sogd region, Ustrushon (Ustrushon), Shasha, Ferghana, Ilaqa, Kesh, Nasaf, Dabusiya, Sagonyan (Chaganian), Termez, Kuvodiyon, Akhsisak, Huttal (Huttalon), Buttam and the Khorezm region.

The article examines the socio-political situation and the local government system in Central Asia on the eve of the advent of Islam based on primary sources and scientific literature.

остиға олдилар. Хоқонлик куч жиҳатидан Эрон ва Византия каби қудратли империялар билан бирмунча тенглашди.

Туркийлар Эфталийлар давлатини тор-мор қилганидан сўнг, Амударёда янги қўшнилари бўлган Сосонийлар билан тўқнашадилар. Бу даврда Эронга шаҳаншоҳ Хусрав Анушервон бошчилик қилиб, у ҳам тарқалиб кетган Эфталийлар давлати ҳисобидан ўз мулкларини кенгайтиришга интилар эди. Турк хоқонлиги Узоқ Шарқ билан Ўрта ер денгизи мамлакатлари билан савдо йўллари қўлга олиш мақсадида Эронга икки маротаба элчи юборади. Хусрав эса турклар билан дўстликни Византия билан савдодан аъло кўриш афзал ёки акси эканлигига аниқ ишонч ҳосил қилмаганлиги сабабли элчиларни заҳарлаб ўлдирди (Аминова Р., 1970:173). Натижада туркийлар Византия билан келишиб, Эронга қарши

юриш бошлашга қарор қиладилар. Шу мақсадда туркийларнинг биринчи делегацияси 563 йилда Константинополга келган. Уни Фарбий Туркларнинг Ну-ши-ни қабиласининг бошлиғи Аксел юборган. Беш йилдан сўнг Маниах бошчилигидаги Суғд савдо делегацияси Константинополга Юстин II саройига ташириф буюрган. Византия ва Турк хоқонлиги ўртасидаги элчилар алмашинуви 572 йилгача давом этган (Litvinsky A., 1996:333). Византиялик тарихчи Менандрнинг маълумотларига кўра, Византиядан қайтиб келаётган Маниах билан бирга узоқ турк мамлакатига киликиялик Земарх бошчилигидаги жавоб элчилиги юборилган. 588 йилда туркийлар ҳокими Қорачўрин ҳазорлар ва Византия ёрдами билан Эронга қарши юриш бошлайди, бироқ сосонийларнинг машҳур саркардаси Баҳром Чубин уни тор-мор қилади. Бу мағлубият хоқонликнинг

таназзулини янада чуқурлаштирди (Аминова Р., 1970:174).

Маълумки, 581 – 603 йилларда содир бўлган ўзаро низолар, узлуксиз урушлар ва Хитой империяси томонидан уюштирилган фитналар оқибатида 588 йил (Шониёзов К., 2001:144) *Турк хоқонлиги узил-кесил иккига бўлиниб кетди. Ўтроқ воҳалар – Шарқий Туркистон, Марказий Осиё ва Еттисув марказ сифатида Фарбий турк хоқонлиги ҳукмронлиги остида қолди* (Отахўжаев А., 2010:88).

Ўз даврида “Ўн ўқ хоқонлиги” деб юритилган Фарбий турк хоқонлиги таркибига Олтой тоғларининг фарбида жойлашган ўлкалар – Еттисув, Чу водийси, Волга, Кубаннинг куйи қисми, Иртиш, Ишим дарёлари бўйидаги ерлар ҳамда Марказий Осиёнинг ярим мустақил кичик давлатлари кирган. Унинг маркази Еттисув бўлган. Фарбий хоқонликдаги ёзги қароргоҳ Исфижоб (Сайрам) яқинидаги Мингбулоқда, қишкиси – Суёб (Қирғизистоннинг Тўқмоқ вилояти) шаҳрида жойлашган (Шамсутдинов Р., Мўминов Х., 2013:100).

Марказий Осиёнинг ўша даврдаги ярим мустақил давлатлари таркибига Жайхун (Амударё) дарёси яқинида жойлашган Бухоро вилояти, Самарқанд ва унга қарашли бўлган Суғд вилояти, Ушрусана (Уструшоно), Шош, Фарғона, Илоқ, Кеш, Насаф, Добусия, Сағониён (Чағониён), Термиз, Қуводиён, Ахсисак, Хуттал (Хутталон), Буттам ва Хоразм ноҳиялари кирган (Ибн Ҳавқал, 2011:30). Тарихий манбаларга кўра, жумладан, Беруний асарлари (Осор ул-боқия ан ал-қурун ал-ҳолия), VI–VII асрларда тузилган *Хитой солномалари* (Мадраимов А. Фузаилова Г., 2008:138) маълумотлари бўйича VIII асрнинг бошларида Марказий Осиёда 15 яқин ана шундай “мустақил” давлатчалар бўлган (Аҳмедов Б., 1994:154). Улар ўз ҳудуди, маъмурий-бошқарув тизими, ички сиёсати, иқтисоди ва хўжалигига эга бўлиб, маҳаллий ҳукмдорлар томонидан бошқарилган. Қуйидаги ушбу давлатчаларнинг ҳудуди, хўжалиги ва ижтимоий ҳолатининг манбаларда берилган тавсифларни кўриб чиқамиз.

Бухоро. Ибн Ҳавқалнинг “Мовароуннаҳр” асарида келтирилишича, Бухоро Мовароуннаҳр вилоятларига олиб борувчи катта йўл бошида жойлашган. *Бухоро шаҳрининг энг эски номи Навакметан бўлиб, қадимги эроний тилида “янги қишлоқ” деган маънони англатади. “Бухоро” номи VI асрда вужудга келган бўлиб, санскритча vihaга яъни “буддавий ибодатхона” сўзининг туркча виҳаг шаклидир* (Ибн Ҳавқал, 2011:196). *Бухоронинг кўп сонли рустоқлари, бой ва гуллаб-яшнаган ноҳиялари, катта вилоятлари ва қишлоқлари бўлиб, унга қарашли ерлар Искажкатда савдо-сотиқ, Ал-Буттам вилоятида кончилик: шиша, темир,*

симоб, мис, олтин, қумуш, нефт, қорасақич қазиб олиш, Зандана қишлоғида бўзчилик, Бойкандда ҳунармандчилик ва савдо ривожланган (Наршахий, 1991:97-98). *Бухоро аҳли ўша даврда асосан суғд тилида, қисман форс тилида ҳам сўзлашган. Бухорога қарашли шаҳар ва қишлоқлар асосан сераҳоли бўлган. Ибн Ҳавқал шундай ёзади: “Агар дунёдаги бирор-бир ноҳия ёки ҳудудда бошқаларникига ўхшаш фазилятлар бўлса, шунда ҳам улар мўл-кўлликда ва тўкин-сочинликда Бухородек бўла олмайди. Бухоро мевалари Мовароуннаҳрнинг энг яхши меваларидир, таъми ҳам энг ширинидир. Бухоро шу қадар тўкин-сочин бўлсада, унинг шаҳарлари ва аҳолиси кўплиги сабабли, мамлакатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар уларга етмайди, зеро уларнинг эҳтиёжи ердан олинадиган ҳосил миқдоридан икки баробар кўпдир. Шунинг учун уларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва керакли бўлган бошқа нарсалар бутун Мовароуннаҳрдан келтирилади”* (Ибн Ҳавқал, 2011:44-47).

Самарқанд. Суғд дарёсидан жанубда жойлашган Самарқанд шаҳри Суғднинг пойтахти бўлган. *Суғд тарихий маданий вилояти ўрта асрларда асосан Зарафшон ва Қашқадарё водийлари ичида жойлашган ерларни ва уларга туташган тоғли ўлкани ўз ичига олган. Ислондан олдин Суғд тўрт қисмга – Шимолий Суғд (Самарқанд вилояти), Фарбий Суғд (Бухоро вилояти), Жанубий Суғд (Қашқадарё вилояти) ва Шарқий Суғдга (Панжикент вилояти) бўлинган. Гарчи Бухоро, Кеш ва Насаф Суғд таркибига кирса ҳам, девонда алоҳида вилоятлар сифатида мустақил бошқарувга эга бўлган. Самарқанд шаҳри Мовароуннаҳрнинг асосий савдо маркази бўлган. Шаҳарни бошқарувчи подшоҳ – иҳшид (1) деб аталган. Самарқанд Мовароуннаҳрдаги энг обод шаҳарлардан бири бўлган. Шаҳарнинг деярли ҳамма йўллари, кўчалари ва бозорларига тошлар ётқизилган. Самарқанд билан унга энг яқин тоғлар орасидаги масофа бир енгил марҳалани (2) ташиқ қилади. Самарқандга яқин жойлашган Куҳак тоғидан (Чўпонота) бино қурилиши учун тош, шиша идишлар ясаш усун ишлатиладиган лой ва оҳақ қазиб олинган. Самарқанднинг рустоқларида деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо кенг ривожланган* (Ибн Ҳавқал, 2011:52-57). 627-647 йиллар оралиғида Самарқанддан Хитойга тўққизта савдо элчилиги юборилган. Баъзи ҳолларда бир қанча ҳокимлар бирлашиб, карвон жўнатганлар. Масалан, Бухоро, Самарқанд, Иштихон, Паркана ва Уструшондан юборилган элчилар 627 йилда Хитойга етиб борган (Аминова Р., 1970:178). *Ўрта асрлар даврида бутун “Буюк ипак йўли” бўйлаб суғд савдогарларининг мавқеи баланд бўлган.*

Хоразм. Бу вилоят Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган бўлиб, унинг пойтахти Кот (баъзи

манбаларда Кат) шаҳри бўлган. Хоразм воҳасида ислом кириб келишидан аввал бир қанча туркийзабон қабилаларнинг айрим қисмлари яшар эди. Шунингдек, воҳада қолиб кетган хунларнинг айрим гуруҳлари, қангар ва печенег қабилалари ҳам яшаган (Шониёзов К., 2001:149). Хоразмда на олтин, на кумуш ва бошқа ер ости бойликлари мавжуд. Уларнинг ҳамма бойликлари савдо-сотиқ ва чорва боқиши туфайли келган (Ибн Ҳавқал, 2011:39). VI-VII асрларда Хоразмда катта-катта оилалар яшайдиган қаср-қўрғонлар мавжуд бўлиб, ҳар бир қўрғоннинг атрофи девор билан ўралган ва унинг марказида аҳоли яшайдиган кўшклар бўлган (Аминова Р., 1970:177).

Кеш. Қашқадарё водийсининг шарқий қисмида Кеш вилояти жойлашган. Унинг пойтахти Киш ёки Кеш шаҳри ҳозирги Китоб шаҳрининг ўрнида бўлган. Дехқончилик ва боғдорчилик ривожланган бўлиб, иқлими қолган ҳудудларга қараганда бирмунча иссиқ бўлганлиги сабабли, мевалари анча эрта пишган. Шунингдек, Кеш туз конларига ниҳоятта бой бўлган. Кеш рустоклари ичида Насаф, Самарқанд ва Сағониён вилоятларидаги ерлар ҳам қайд этилган. Ибн Ҳавқал асарида исломдан аввалги Кеш вилоятининг бўлиниши акс этган. У даврда Кеш ҳукмдорлари кучли бўлиб, бир вақтлар ҳатто бутун Суғд устидан ҳукмронлик қилганлар. Кеш вилоятининг ҳудудлари эса, бутун Қашқадарё водийси ва ундан ташқаридаги айрим ерларни ҳам ўз ичига олган. VIII асрда Кеш аҳолиси арабларга қарши Муқанна бошчилигидаги қўзғолонда фаол қатнашганлиги учун Араб халифалиги даврида Кеш таназзулга юз тутган ва кейинги даврларда маъмурий жиҳатдан жуда кичик ҳудудни эгаллаган (Ибн Ҳавқал, 2011:212-218).

Фарғона. Мовароуннаҳрда қишлоқларининг кўплиги бўйича Фарғонага етадигани йўқ. Бунинг сабаби чорвалари ва яйловларининг кўплигидандир. Ахсикат Фарғона вилоятининг пойтахти бўлган. Водийдаги катталиги жиҳатдан иккинчи ўринда турувчи шаҳар Қубо бўлган. Исломдан олдин бу шаҳар Фарғона водийсининг иккинчи пойтахти бўлган. VII-VIII асрларда бу ерда валиаҳд, яъни Фарғона олий ҳукмдорининг вориси истиқомат қилган. Қубо аҳолиси бутпараст бўлиб, шаҳарда катта буддавийлик ибодатхонаси ҳам бўлган. Фарғона тоғларидан олтин, кумуш, мис, қўрғошин, аммиак, симоб, феруза тоши (Ибн Ҳавқал, 2011:282-296), рух купороси (Ҳудуд ул-олам, 2008:11) қазиб олинган. Фарғона вилоятида оқар сувлари кўплиги сабабли дехқончилик, боғдорчилик, чорвачилик учун жуда қулай бўлган. Фарғона водийсига туркийзабон аҳоли кушонлар давридаёқ келиб ўрнашган бўлиб, VI-VIII асрларда бу воҳада уларнинг сони кўпаяди. Бу

даврда Фарғона водийсига келиб ўрнашган туркий қабилаларнинг кўпчилигини қарлуқлар ташкил қилган (Шониёзов К., 2001:145).

Шош. Чирчиқ дарёси ҳавзасидаги тарихий вилоят. Чирчиқ дарёсининг серунум ва обод марказий қисмига жойлашган Шош Марказий Осиёда қад кўтарган қадимий шаҳарлардан бири бўлиб, у икки минг йилдан ортиқ тарихга эга. Шош музофоти икки қисм – Шош (ҳозирги Тошкент) ва Илоқдан иборат бўлган. Илоқ (ҳозирги Оҳангарон вилояти) ҳам Шошга қарашли бўлган. Илоқ тоғларидан олтин ва кумуш қазиб олинган. “Ҳудуд ул-олам” асарида Чоч, яъни Шош ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирилади. “Чоч – катта ва обод ноҳия; одамлари ботир, урушга шай ва бадавлат; ноз-неъматлари мўл. У ерда камон, камон ўқи ва халанж чўпи (3) кўп тайёрланади” (Ҳудуд ул-олам, 2008:18). Ал-Муқаддасийга кўра, Мовароуннаҳр аҳолиси ичида энг чиройлиси Шош ва Фарғона аҳолисидир. Шошда дехқончилик, боғдорчилик, йилқичилик, савдо-сотиқ кенг ривожланган. Шошда шаҳарлар кўп бўлиб, бир-бирига яқин масофада жойлашган. Илоқдан Шошгача қалин дарахтзорлар, кўкаламзорлар, яйловлар ва боғлар билан ўралган қасрлар кўп бўлган (Ибн Ҳавқал, 75-203).

Мовароуннаҳр нафақат ўзининг илмий салоҳияти, балки, моддий неъматларга бойлиги, иқтисодий қуввати билан ривожланганлиги тарихий манбаларда эътироф этилган. Жумладан, машҳур географ олим Истахрий (ваф. 957) шундай ёзади: “Мовароуннаҳр ислом оламидаги энг бой минтақа ҳисобланади... Бу ерда кишилар йилига бир неча марта ҳосил оладилар ва агар қурғоқчилик бўлса, уларнинг йиғиб олган маҳсулотлари яна бирикки йилга етади. Суғд, Уструшона, Фарғона, Шош ва бошқа ҳудудларда мевалар шунчалар кўпки, улар билан ҳаттоки, жониворлар боқилади”. X-XII асрларда Бухоро, Самарқанд, Насаф, Термиз, Хива, Шош ва бошқа шаҳарлар бутун мусулмон Шарқидаги маданий марказлар қаторида машҳур бўлган (Мухамедов Н., 2007:11). Шош ва Илоқда яшаган аҳоли этник жиҳатдан қайси халққа (турк, тожик) мансублиги ҳақида манбаларда аниқ маълумот йўқ. Лекин Сирдарёнинг ўрта оқимларида қадимдан (қангар-қанғиллар, хунлар, усунлар ва бошқ.) туркий халқлар яшаб келганлиги эътиборга олинса, Шош ва Илоқ воҳаларидаги аҳолининг катта қисми туркийзабон бўлган (Шониёзов К., 2001:221).

Насаф. Ўрта асрларда Қашқадарё воҳасининг ғарбий қисмида жойлашган катта шаҳар. Исломга қадар бу шаҳар Нахшаб деб аталган. Насаф номи Нахшабнинг арабчалаштирилган шаклидир. Насаф – Бухородан Балхга ўтадиган карвон йўлида жойлашган бўлиб, ўз даврининг муҳим иқтисодий,

маданий ва сиёсий марказларидан ҳисобланган. Аҳолининг кўп қисми чорвадор бўлиб, ярим ўтрок ва ярим кўчманчи ҳаёт кечирган. Насафга қарашли ҳудудларда туркийзабон аҳоли билан бир вақтда тожиклар ҳам яшаган (Шониёзов К., 2001:209).

Сағониён. Сағониён ўрта асрларда Чағонруд (Сурхондарё) водийсида жойлашган Чағониён вилояти номининг арабча шакли. Шимолда унинг ҳудудлари Бойсун тоғлари, жанубда Амударёгача чўзилган. Ғарбда Термиз, шарқда эса Хутталон вилояти билан чегарадош бўлган. Шаҳар тоғ ёнбағрида жойлашган, оқар сувлари кўп, ҳавоси ёқимли бўлган. Унда турли ноз-неъматлар кўп бўлган, лекин аҳолиси камбағал яшаган. Ислождан олдин Чағониёнда ҳукм сурган туркий ҳукмдорлар сулоласи чагон-худот ва туркий шод унвонига эга бўлганлар (Ибн Ҳавқал, 2011:167-168). Муаллифи номаълум бўлган “Ҳудуд ул-олам” асарида келтирилишича, Чағониён деҳқонлари нўноқроқ, лекин одамлари жанговар ва ботир бўлган. У ерда қисман йилқи ҳам боқилган, шунингдек, ҳунармандчиликда чакмон, гилам-палос ва кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилган (Худуд ул-олам, 2008:13).

Термиз. Ислождан олдин Термиз алоҳида вилоят бўлиб, унинг подшоҳлари “термизшоҳ” деб аталган. Термиз аҳолиси асосан, буддавийлик динига эътиқод қилган бўлиб, VII асрда 10 та буддавий ибодатхона ва 1000 га яқин роҳиб, шунингдек, Будда ҳайкаллари бўлган. VI аср охиридан VIII аср бошларигача Термизда туркий ҳукмдорлар томонидан мис ва кумуш тангалар зарб этилган бўлиб, уларда туркий қиёфадаги ҳукмдор сурати ва унинг лангар шаклидаги тамгаси тасвирланган. Термиз шаҳри уч қисмдан иборат бўлган ва VII асрда уларнинг ҳар бири алоҳида мудофаа деворлари билан ўралган (Ибн Ҳавқал, 2011:166-167). Термиз шаҳри Тохаристоннинг иқтисодий ва маданий тараққиётида муҳим ўрин эгаллаган. Хусусан, Термиздан ўтган Буюк ипак йўлининг тармоғи орқали Марказий Осиё халқлари Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистоннинг барча шаҳар ва вилоятлари билан савдо ва маданий алоқада бўлиб келганлар (Шониёзов К., 2001:212). Шунингдек, ҳудудда ҳунармандчилик ва савдо яхши ривожланган бўлиб, унда яхши совун, яшил бўйра ва сифатли елтигич ишлаб чиқарилган (Худуд ул-олам, 2008:13).

Усрусана ёки Усрушана – Самарқанд ва Шош ўртасидаги тарихий вилоят. Ҳозирги Жиззах ва Сирдарё вилоятларига тўғри келади. Ислождан олдинги даврда Усрушана маҳаллий ҳукмдорларининг унвони афшин бўлган. Усрушана рустоқларининг сони 17 та бўлганлиги манбаларда этиб келган. Усрушона ҳукмдорлари томонидан VII – VIII асрларда зарб этирилган тангаларда

тасвирланган подшоҳларнинг суратлари уларнинг тукий бўлганлигини тасдиқлайди (Ибн Ҳавқал, 2011:224).

Хуттал. Амударёнинг юқори оқими ҳавзасида Помир-Олой тоғлари этакларида жойлашган тарихий вилоят. VI асрда Хуттал эфталлийларнинг мамлакати бўлиб, у ерда шоҳаншоҳ Хисрав I Анушервон уларнинг Ахиунвар исми подшоҳи ва унинг Феруз исми бобосини қатл этган. VIII асрда Хуттал аҳолисининг ярми турклар бўлган. Маҳаллий ҳукмдорлар ҳам турк бўлган. Ҳукмдор, аслзодалар ва оддий халқ буддавийлик динининг Хинайана мазҳабига эътиқод қилган. У ерда исломдан аввал буддавий ибодатхоналар ва роҳиблар кўп бўлган. Хуттал ниҳоятда серҳосил ва бой ўлка бўлиб, унда кўплабот ва бошқа чорва моллари ҳам боқилган (Ибн Ҳавқал, 2011:32-154). Маҳаллий подшоҳи мухторият ҳукукига эга подшоҳлардан бўлган. Хутталнинг аҳолиси кўп, одамлари жанговар бўлиб, чўллари ва тоғларида олтин конлари бўлган (Худуд ул-олам, 2008:20).

Юқорида ислом кириб келиши арафасида Марказий Осиёдаги ярим мустақил давлатларнинг географик жойлашуви, хўжалиги, иқтисоди ва маъмурий бошқаруви ҳақида маълумот бериб ўтганимизнинг сабаби, араблар келгунга қадар Марказий Осиё давлатларидаги аҳвол, уларнинг ички имкониятлари, сиёсий доирадаги обрўлари қай даражада бўлганлигини қисман бўлсада очиб беришдан иборат.

Марказий Осиё Ғарбий турк хоқонлиги таркибида бўлса-да, туркийлар, ҳамма жойда бўлгани каби, бу ерда ҳам маҳаллий аҳоли ҳаётига унча аралашмайдилар. Шу билан бирга Турк хоқонлиги даврида уларга қарам ерларнинг деярли ҳаммасида сугдларнинг таъсири кучаяди. Сугдларнинг савдосотиқ ишларига мойиллигини билган туркийлар ипак савдосини бутунлай сугдларга топшириб қўйдилар. Бундан сугдлар усталик билан фойдаланиб, Тинч океани соҳилларидан то Қора денгизгача бўлган оралиқда Буюк ипак йўли савдосини тўлиқ қўлга оладилар (Аҳмедов А., 1998:17).

Турк хоқонлигидаги бошқарув тизими ўзига хос феномен бўлиб, унинг асосий хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлган. Турк хоқонлигида бутун салтанат устидан олий ҳукмронликни хоқон амалга оширган. Осмон (Тангри), ер ва сув кучи, хоқон иродаси турк халқи учун гоёвий асос вазифасини ўтаган. Қадимги туркларда хоқон бирлик, озодлик ва мустақиллик рамзи бўлиб, хоқонлик ҳудудида ягона улуг хоқоннинг ҳукмронлик қилиши шарт ҳисобланган. Туркий битикларга кўра, хоқон Тангри (худо) ва будун (халқ) ўртасидаги воситачи ҳисобланган. У нафақат ўз халқи, балки ўзига

тобе бошиқа элатлар ҳақида ҳам қайғуриши лозим бўлган (Отахўжаев А., 2010:88). Ушбу иддаодан унга тобе ўлкаларда содир бўлган исёнларни бостиришда самарали фойдаланилган. Жумладан, хоқон Қорачўрин (587-588) ўз ўғли Эл Арслон Шери Кишварни (586-606) Бухоро воҳасига Пойкентдаги Абруй (Абахон) исёнини (593) бостиришга жўнатган (Наршахий, 1991:91). Хоқондан кейинги амалдор – Ябғу (баходир) вазир вазифасида бўлган. Бу лавозимга, одатда, хоқоннинг оила аъзолари тайинланган (Гумилев Л., 2003:35). Ғарбий турк хоқонлигида Тўнябғу даврида (618-630) бошқарув ислоҳоти ўтказилади. Маҳаллий ҳукмдорларга “ябғу” унвони берилади (Султонов Ф., Бозорбоев Ф., 2007:7). Аммо ябғу тахтга меросхўрлик қила олмас эди. Тахт меросхўри – тегин бўлиб, бу эпитет *давлат бошлиғи фарзандлари – шаҳзодалар исмига қўшиб, масалан, Култегин деб айтилган. Турк хоқонлигидаги муҳим мансаблардан бири тудун бўлиб, у жойлардаги ноибларни англатган. Улар маҳаллий ҳокимлар сиёсатини, бож-солиқ ишларини назорат қилганлар. Уруғ қабилаинг номдор вакиллари “беклар” деб юритилган. Жамоани хоқон ва зодагонлар кенгаши – “қурултой” бошқарган.*

Хоқонлик бошқарувида икки хил тизим мавжуд бўлган. Биринчиси бўйсундирилган баъзи ўлкаларда маҳаллий сулолалар ҳокимят тизимига киритилган, яъни улар хоқонликка ўлпон тўлаш эвазига ўз ҳукмини сақлаб қолган. Иккинчиси, тобе ўлка ва вилоятларнинг айримларига ҳуқумдор хонадонига мансуб вакиллар тайинланган.

Хоқонликнинг ундан илгариги катта ярим кўчманчи бирлашмалардан фарқи шунда эдики, турклар Марказий Осиё ва Шарқий Туркистоннинг маданий ҳудудларини бўйсундирганлари ҳолда, ўзлари чўл ва даштларда яшаб қолаверган (Аминова Р., 1970:172).

Хоқонлик аҳолисининг қуйи табақаси “будун” ёки “қора будун” деб аталган. Будун, ўз навбатида, қабилалар уюшмасини ҳам ташкил этган. У “ўн ўк будун” ёки “ўн ўк эл” деб юритилган. Ўн ўк будун ёки элнинг ҳокими “ябғу” ёки “жабғу” номи билан аталган (Шамсутдинов Р., Мўминов Х., 2013:102).

VI асрнинг охири – VII асрнинг бошларида *Тохаристон турк хоқонлигининг тасарруфида эди. Шу даврда бу ҳудудга Еттисув ва Шарқий Туркистондан қарлуқ, чигил, халач каби туркий қабилалар кўчиб келадилар. Тохаристонда 27 вилоят мавжуд бўлиб, улар қарлуқ ябғулари томонидан идора қилинган. Қарлуқ ябғуларининг итоатида бўлган вилоятларнинг бошлиқлари, ҳукмрон хонадондан тайинланиб, уларга тегин ва тархун унвонлари берилган. Айрим вилоятлар маҳаллий ҳокимлар томонидан идора қилинган. Улар қарлуқ*

ябғуларига бож тўлаб турганлар (Шониёзов К., 146-147).

Элтариш (680-691) хоқон даврида Турк давлатининг анъанавий тизими тикланади. Элтариш ва унинг ворислари томонидан қайта тикланган империя ҳудудий иттифоқ бўлиб, этник ва иерархик жиҳатдан бир-бирига яқин қабилалардан ташкил топган эди. Улар умумий эътиқод ва қабул қилинган насабномалар орқали мафкуравий боғлиқ ҳолда ягона ҳарбий ва маъмурий-сиёсий жиҳатдан бирлаштирилган (эл) ва умумий юридик меъёрлар бўйича ички қондалардан иборат бўлган. Қабилавий тузилма (будун) ва сиёсий тузилма (эл) бир-бирини тўлдириб, ижтимоий алоқаларнинг мустаҳкамлигини белгилаб қўйган. Империядаги асосий гуруҳ ўн икки турк қабиласидан иборат бўлиб, унинг орасида Ашина уруғининг мавқеи энг юқори бўлган (Litvinsky A., 1996:336).

Хоқонликка қадар ҳам Марказий Осиёдаги маъмурий бошқарувда сугдийлар, хоразмийлар, бақтарийлар, чочликлар, фарғоналиклар билан бир қаторда маҳаллий автохтон туркий тилли элатлар ҳам иштирок этган. Тудун, тутук, шад, чур, тархон, элтабар каби унвонларнинг жорий этилиши натижасида ўзига хос маъмурий ислоҳотлар амалга оширилиб, бошқарув хоқонлик тизимига мослаштирилган. Бунда хоқоннинг жойлардаги вакиллари у ва маҳаллий ҳукмрон сулолалар ўртасидаги боғловчи вазифасини бажарган (Отахўжаев А., 2010:96).

Маҳаллий сулолаларнинг бошқарувдаги иштирокидан кўзланган мақсад – ўтроқ аҳоли яшайдиган ўлкаларда сиёсий барқарорлик ва иқтисодий тараққиётни таъминлаш ҳамда ҳарбий эҳтиёжларни қондириш бўлган. Шунингдек, хоқонлар Марказий Осиёни ўз қавмдошлари яшайдиган юрт сифатида билиб, вақт ўтиши билан маҳаллий аслзодалар билан куда-андачиликни йўлга қўйганлар (Отахўжаев А., 2010:99-100).

Марказий Осиё Ғарбий Турк хоқонлиги вассали бўлса-да, муайян даражада ички мустақиллик имтиёзига эга эди. Бу ерда марказлашган кучли ҳокимият йўқ бўлиб, ўлка бир неча “салтанат”лардан ташкил топган конфедерация шаклида ривожланар эди. Жумладан, Суғд ва Тохаристон конфедератив мулкларга, Чоч ва Илоқ хоқонлик вассаллигидаги ярим мустақил мулкларга, Фарғона эса, шимолий ва жанубий ҳокимликларга бўлиниб кетган эди. *Уструшона, Чағониён, Кабодиён, Хутталон, Раит, Дарвоз, Бадахшон* каби ўлкалар ҳам ярим мустақил мулклар сифатида маҳаллий ҳокимлар томонидан бошқарилган. Шунинг учун ҳам, *тадқиқотчилар фикрига кўра* (Отахўжаев А., 2010:108), ҳар бир мулкнинг ҳукмдори ички мустақиллик имтиёзига

эга эканлиги боис, ўзини кўп ҳам марказга тобе деб ҳисобламаган.

VII асрнинг биринчи ярмида биргина Фарғонанинг ўзида 100 га яқин катта-кичик шаҳарлар бўлиб, бу даврга келиб улар жадал кенгая бошлайди. Бунинг сабабини тадқиқотчилар туркларнинг ўтроқлашуви билан боғлайдилар. Хоқонлик даврида Фарғона шимолидаги Косоннинг аҳамияти ортади. Бу шаҳар туркийлардан қўйилган подшоҳнинг қароргоҳи бўлган. Туркийлар подшоҳи Кушон подшоҳи каби ябғу (4) (*ёки жабғу*) деб аталган. Ҳудди шу вақтнинг ўзида Фарғонанинг туб аҳолисидан подшоҳ – ихшид (5) ҳам мавжуд бўлган (Аҳмедов А., 1998:18).

Ислон кириб келиши арафасида маҳаллий аҳоли асосан икки ижтимоий тоифага бўлинган. Биринчиси ўтроқ ва иккинчиси кўчманчи. Жамиятнинг илгор ва маданий жиҳатдан етакчи қисми деҳқончилик билан шуғулланувчи ўтроқ халқлар эди. Бу даврда анча кучайиб кетган кадиварлар (6) Марказий Осиё хўжалигидаги асосий куч ҳисобланарди (Аминова Р., 1970:172). Кўчманчилар эса, асосан, чорвачилик билан машғул бўлган.

Ислондан аввал худот атамаси деҳқон атамаси билан бир маънони билдирган бўлиб, асосан, Марказий Осиёнинг жанубий вилоятларида, Балхдан Бухорогача бўлган ерларда ишлатилган. Ўрта асрларда худот сўзи “подшоҳ” маъносини англатган (Ибн Ҳавқал, 2011:117).

Феодал муносабатлар шаклланиши асносида жамиятда ижтимоий табақаланиш юзага келди. Синфий табақаланиш жараёнининг чуқурлашиб бориши қўшинлар тузилишига ҳам таъсир қилди. Отлиқ аскарлар уруғ зодагонларининг вакиллари билан, яъни деҳқонлардан тузилар, улар урушларга совут кийиб, ўқ-ёй, сўйил, найза, шамиш ва ханжар тақиб чиқар эдилар. Ҳокимнинг отлиқ ва пиёда аскарларидан иборат шахсий бўлинмаси ёлланма аскарлар ва қўллардан иборат бўлиб, улар чокарлар деб аталган (Аминова Р., 1970:179).

Чокарлар ҳукмдорларга, шунингдек, деҳқонларга ва савдогарларга хизмат қилиб, ҳамма ерда улар билан бирга юрганлар. Чокарлар хўжайинларига ниҳоятда содиқ бўлиб, унинг учун жонларини беришига ҳам тайёр бўлган. Марказий Осиёда ҳамма маҳаллий ҳукмдорлар олий турк хоқонининг чокарлари ҳисобланган (Ибн Ҳавқал, 2011:17).

Фарбий хоқонлик аҳолисининг катта қисми хоқонлик бошқаруви шароитида ўтроқ деҳқончилик, жумладан ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан машғул бўлган. Бу даврда Марказий Осиё ерларида деҳқончилик, боғдорчилик ва узумчилик соҳалари тез ривожланди. Ибн Ҳавқал Суғд, Уирусана, Фарғона ва Шошда мевалар ҳосили шу қадар кўп

ва бошқа мамлакатларникидан ошиқ эканлигини таъкидлаб, улар билан ҳатто ҳайвонлар боқилгани ҳақида ёзган (Ибн Ҳавқал, 2011:17). Фарғона, Хоразм ва Зарафшон воҳаларида кўплаб сув айирғичлар, каналлар, сув ҳавзалари бунёд этилган. Шунингдек, Фарғона ва Суғдда аҳоли кончилик билан шуғулланиб, олтин, мис ва темир; Илоқда – кўрғошин, кумуш; Шаҳрисабзда – тош, қизил туз маъдани казиб олинган (Шамсутдинов Р., Мўминов Х., 2013:103). Турк хоқонлиги аввалдан мавжуд бўлган Хитой, Эрон, Ҳиндистон ва Византия каби мамлакатлар билан савдо-сотикни ривожлантиришга тўсқинлик қилмади. Зеро, бундай савдодан келадиган фойдадан ҳам бож олиниб, хоқонлик хазинасининг бойитилишига хизмат қилган.

Ибн Ҳавқал Марказий Осиё аҳолиси ҳаёт тарзини тавсифлаб, Мовароуннаҳрнинг кўп ҳудудларида одамлар худди битта уйда ягона оиладек яшайдилар, улар бир-бирлари уйига худди ўз уйига келгандек кириши мумкин, мезбон меҳмонни умуман танимаса ҳам, унинг ҳождатини чиқариш учун бор имкониятини ишга солади, бунда ўзининг манфаатини кўзламайди ва меҳмон кўнглидан чиқариб бергани билан қаноатланади. Деган мазмундаги маълумотларни қолдирган. Шунингдек, унинг ёзишича, бирор қишлоққа йўловчи келиб тушса, барча уни меҳмон қилиш учун рақобатлашади, бунда ўз мулкларига зарар етса ҳам, худди барча одамлар пул йиғишига баҳслашгани ва ўз бойликлари билан мақтанганидек, ўзаро баҳслашадилар (Ибн Ҳавқал, 2011:17).

Юқоридаги маълумотларга таянган ҳолда хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёда араблар келгунга қадар Турк хоқонлиги томонидан кўчманчилик анъаналарига хос бошқарув тизими жорий этилган бўлиб, ушбу омил минтақадаги бошқарувга оид сиёсий жараёнлар жадаллашувида ижобий аҳамият касб этди. Оқибатда ўлка бошқарувида янгича тартиб ва унвонлар жорий этилди. Шунингдек, Хоқонлик бўйсундирилган ўлкаларни бошқаришида баъзи маҳаллий сулола вакиллари ҳам жалб этиб, улардан ўлпон олиш эвазига иттифоқда сақлаб турган. Натижада ўтроқ ўлкаларда сиёсий барқарорлик ва иқтисодий тараққиёт бирмунча таъминланган. Хуллас, Марказий Осиё бу даврда Фарбий Турк хоқонлигига тобе бўлсада, ундаги иқтисодий ривожланиш суръатлари анчагина жадал бўлган.

ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Abu Bakr Muhammad ibn Jafar an-Narshaxiy. Buxoro tarixi. Toshkent, “Kamalak” 1991.
2. Abu Rayhon Beruniy. Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar. /Tarjimon A.Rasulov. Mas’ul muharrirlar: I.Abdullaev va O.Fayzullaev/. T. “Fan” 1968.

3. Ahmedov A. Ahmad al-Fargʻoniy//Masʻul muharrir: A.Azizxoʻjaev/. – T.: “Oʻzbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti. 1998.
4. Ahmedov B. Tarixdan saboqlar. – T.: “Oʻqituvchi” nashriyoti. – 1994.
5. at-Tabariy. “Istoriya” at-Tabari. Perevod s arabskogo V.I. Belyaeva s dopolneniyami O.G. Bolshakova i A.B. Xalidova. I tom.
6. Azamat Ziyo. Oʻzbek davlatchiligi tarixi: (Eng qadimgi davrdan - Rossiya bosqiniga qadar) // Masʻul muharrir: B. Ahmedov/. — T.: «Sharq», 2001.
7. Bartold V.V. Sochineniya. I tom. M.: 1963.
8. Gumilev L.N. Drevnie tyurki. Kristall, 2003.
9. Hudud ul-olam. Fors tilidan tarjima, soʻz boshi va izohlar va joy nomlari koʻrsatkichi muallifi Omonulla Boʻriev. – Toshkent. “Oʻzbekiston”, 2008.
10. History of civilizations of Central Asia. Volume III The crossroads of civilizations: A.D. 250 to 750 Editor: B. A. Litvinsky Co-editors: Zhang Guang-da and R. Shabani Samghabadi. Multiple History Series UNESCO Publishing. 1996.
11. Ibn Havqal. Movarounnahr/Ibn Havqal; arab tilidan tarj., izohlar muallifi Sh.S.Kamoliddin. Toshkent: “Oʻzbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, – 2011.
12. Madraimov A. Fuzailova G. Manbashunoslik. T.: Oʻzbekiston faylasuflari ilmiy nashriyoti. 2008.
13. Murtazaeva R., Eshov B., Tojjeva M., Joldasov B., Polvonov N., Yunusova X., Odilov A. va boshqalar.Oʻzbekiston tarixi. Darslik. Toshkent: Yangi asr avlodi, 2003.
14. Mukhamedov Nematullo. Шош воҳаси олимларининг илмий-маънавий мероси. Монография. –Ташкент, 2007. <http://library.ziyonet.uz/ru/book/111133>. Mukhamedov Nematullo. Shosh voʻxasi olimlarining ilmiy-maʼnavij merosi. Monografiya. –Toshkent, 2007. <http://library.ziyonet.uz/ru/book/111133>. (in Uzbek.)
15. Otaxoʻjaev A. Ilk oʻrta asrlar Markaziy Osiyo sivilizatsiyasida turk-sugʻd munosabatlari. Monografiya. – T.: ART-FLEX, 2010.
16. Saidahmedov I. Davlat va huquq tarixi. Oʻquv qoʻllanma. – T.: Oʻzbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi “Fan” nashriyoti, 2006.
17. Sultonov F., Bozorboev F. Oʻrta asrlar tarixi (Oʻzbekiston tarixi). T.: Alisher Navoiy nomidagi Oʻzbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2007.
18. Oʻzbekiston SSR tarixi. II tom. Bosh tahrir hayʻati: R.X.Aminova va boshq. (Masʻul muharrir Y.Gʻ.Gʻulomov). T., “Fan”, 1970.
19. Shamsutdinov R., Moʻminov X. Oʻzbekiston tarixi. – T.: Sharq. 2013.
20. Shoniyozov K. Oʻzbek xalqining shakllanish jarayoni. – Toshkent. “Sharq”, 2001.
21. Ziyoyev H. Oʻzbekiston mustaqilligi uchun kurashlar tarixi (miloddan oldingi asrlardan to 1991 yil 31 avgustgacha). Toshkent, 2001.